

---

# ЎЗБЕКИСТОН ТУМАНИ ҲОКИМИ ШЕРЗОДЖОН ЮЛДАШЕВНИНГ БАЙРАМ ТАБРИГИ

**Ҳурматли маҳалла тизими ходимлари ва фаоллари!**

**Сизларни 22 март - маҳалла тизими ходимлари куни ҳамда юртимизга ўзининг бетакрор гўзаллиги билан кириб келган баҳор айёмларидан бири - Наврўз байрами билан самимий муборакбод этаман.**

Сизларнинг жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада ривожлантириш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш борасида амалга ошираётган ишларингиз сабабли бугун маҳалла ва оила энг муҳим ва барчанинг диққат-эътиборидаги ягона тизим бўлиб шаклланди. Шу тўғрисида жамият ривожининг илдизи оила ва маҳалла эканини барча бирдек ҳис қилмоқда.

## **Қадрли дўстлар!**

Оилалар мустаҳкамлиги, аҳоли саломатлиги, хонадон ва кўчалар ободлиги, маҳалла хавфсизлиги, ёшлар тарбияси, бандлик, маънавият ва маърифат каби кенг кўламли, масъулиятли, айна пайтда эзгу ва шарафли ишларида муваффақият тилайман.

2022-03-22 12:23:31